

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
интерферети мундарижи

Оглавление авторферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences

Содиқова Мунира Рустамбековна

«Маҳаллий хомашёлар асосида самарали олигомер коррозия
ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва синфлаш».....3

Содиқова Мунира Рустамбековна

Разработка технологии получения эффективных олигомерных ингибиторов
коррозии на основе местного сырья и их классификация.....23

Sodikova Munira Rustambekovna

Development of technology for obtaining effective oligomeric corrosion inhibitors
based on local raw materials and their classification.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

СОДИКОВА МУНИРА РУСТАМБЕКОВНА

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА САМАРАЛИ
ОЛИГОМЕР КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА СИНФЛАШ

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси;
02.00.09 – Тоғлар кимёси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Телемма фаиллари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмурияти Ахборот-ресурс комиссиясида №2019.2.PhD/7 1059 рақам билан рўйхатдан ўтказилган

Диссертация Тошкент кимё-технология институтига баёниланган.
Диссертация авторферати мана тизда (Ўзбек, рус) www.iki.uz манзил бўйича веб-саҳифада ва www.ziyoue.com манзил бўйича eZiyoueIT ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Джалов Абдуваҳаб Тураонов академик, кимё фаиллари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Талхитхожаев Закирхожа Абдусатторович техника фаиллари доктори, профессор

Егачи ташкilot:

Икромов Абдуваҳаб техника фаиллари доктори, профессор

Егачи ташкilot:

Матиякубова Парвизат Майлиевна техника фаиллари доктори, профессор

Егачи ташкilot:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳаммаси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги илмий даражада берувчи бир марталик DSc 03/30 12.2019 Т.04.01 рақамли Илмий Кенгашининг «17» июль 2021 йил соат «10» даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент ш. Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tki_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қavat, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мулкун (— рақам билан рўйхатта олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш. Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация авторферати 2021 йил «05» август куни тарқатилди.
(2021 йил «__» даги №__ рақамли рес-стр баённомаси).



С.М.Туробжонов
Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Қодиров
Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Т.Раҳмонбердиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш хузуридаги бир марталик илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати

Дунёда кимёвий, нефть кимёси ва ишлаб чиқариш корхоналари объектларида ишлайдиган технологик ускуналар, ишоотлар, муҳандислик тизимлари ва коммуникацияларнинг 85% агрессив мухитлар таъсирида коррозия жараёнига учрайди, бу эса асбоб-ускуналар ва маҳсулот сифатининг эксплуатацион хусусиятларини ёмонлашувига олиб келади. Коррозия жараёнларини тезлашуви натижасида металл йўқотишлари салмоғи жуда катта бўлиб, қувур ўтказмаларида, sanoat кимё-технологик ускуналарида ва бошқаларда авариялар оқибатида сарф-харажатлар хажми ортиб бормокда. Материаллар коррозиясининг хар қандай кўринишлари билан курашиш ва металл ускуналарини коррозиядан химоя қилиш учун кенг қамровли таъсир этувчи юқори самарали коррозия ингибиторларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятта эга ҳисобланади.

Жаҳонда кимё ва нефть-газни қайта ишлаш sanoatини жадал ривожлантириш даврида металлни қайта ишлаш ускуналари ва конструкцияларини химоя қилиш учун янги юқори самарали коррозия ингибиторларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борда янги авлод органик коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, шунингдек маҳсулотларини божхона экспортасидан ўтказиш учун коррозия ингибиторларини идентификация қилиш, синфлаш ва янги товар кодлари киритишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиздаги маҳаллий хомашё ва иккиламчи моддий ресурслар асосида юқори самарали кўп мақсадли коррозия ингибиторларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасида чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021-йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси "...тубдан янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда тўрқибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини, жумладан, кимё sanoatини модернизация қилиш ва диверсификация қилиш орқали миллий иктисодиётнинг рақобатдорлигини ошириш..." бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маҳаллий хомашё ва иккиламчи маҳсулотлар асосида ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, импорт ўрнини босувчи самарали кўп мақсадли коррозия ингибиторларини олиш ҳамда кимёвий тузилиши, таркиби, истеъмол хоссаларига эга янги товарларни божхона мақсадларида идентификациялаш бўйича таъсирнинг илмий-услубий асосларини яратиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятта эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 17 январдаги ПК-3479-сон «Мамакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПК-4477-сон «2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги авлод органик коррозия ингибиторларини яратиш ва ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг ингибитор химояси соҳасида чуқурлаштирилган тадқиқотларни ўтказиш борасидаги назария ва амалиётта И.Л.Розенфельд, С.М.Решетников, М.Н.Фокин, Е.С.Иванов, А.И.Аллыбева, С.А.Балезин, С.З.Левин, Д.Л.Раҳманқулов, Э.М.Гутман, Л.И.Антропов, В.И.Левашов, П.С.Белов, В.И.Фролов, С.Ф.Гараев, А.Б.Кучкаров, Ф.К.Курбанов, К.Ахмеров, А.Б.Аловитдинов, А.Т.Джалилов, Э.Фатхуллаев, Д.Ю.Юсупов, С.М.Турабджанов, Г.Раҳмонбердиев, А.Икрамов, Б.Н.Ҳамидов, В.П.Гуро, Х.И.Ақбаров, А.Ж.Ҳоликов, Х.Э.Кодиров, С.Ф.Фозилов каби олимлар ва бошқалар салмоқли хисса қўшган.

Кимёвий маҳсулотларни техник жиҳатдан тартибга солиш ва уларни идентификация қилишга ёндашувлар, тартибга солиш тизимининг самарали амал қилиши учун зарур бўлган кимёвий моддалар ва маҳсулотларнинг муомалалада бўлиши амалиётда хал қилинмаган муаммолар бўйича тадқиқотлар Н.Н.Алексеев, Е.И.Андреева, А.В. Журов, Г.Г.Азгальдов, Э.П.Райхман, И.А.Косоруков, Н.М.Муратова, М.Л.Раҳманов, И.Р.Аскарлов, Г.Ҳамрақулов, К.М.Каримқулов, Л.Т.Пулатова, Д.А.Раҳимов, А.М.Жураева, О.Ш.Ҳакимова, Д.Т.Ҳасанова, Б.Ё.Абдуганиев, Н.К.Тулаков, Ш.М.Киргизов, Н.Х.Тухтабоев, О.Ж.Абдурахмонов, М.М.Ҳожиматов, М.Г.Ҳамрақулов каби олимлар томонидан маҳсулотни идентификация қилиш масаласи бир-бири билан узвий боғланган бир қанча нуктага назардан, айнан товарлар кимёси, боғжона ҳуқуқи ва техник жиҳатдан тартибга солиш нуктага назардан кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти» МЧЖнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А12-005 «Маҳаллий хомашёдан янги самарали коррозия ингибиторларини яратиш ва қўллаш» мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё ва иккиламчи моддий ресурслар асосида кўп мақсадларга мўлжалланган самарали олигомер коррозия ингибиторларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

органик ва ноорганик бирикмалар (жумладан кимё ва ёғ-мой ишлаб чиқаришнинг иккиламчи моддий ресурслари) асосида, шунингдек плёнка ҳосил қилувчи иккиламчи полимерлар-модификаторларни қўллаган ҳолда янги ингибиторчи таркибларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган олигомер бирикмаларни кўп мақсадли металлларнинг коррозия ингибиторлари сифатида ўрганиш ва агрессив муҳитларда коррозия синовлари орқали химоя самарадорлигини ошириш;

«коррозия ингибиторлари»ни ўйғунлашган тизим асосидаги амалда ишлатиладиган ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш;

кўшимча таклиф этилган янги товар позиция ва кодларини Миллий товарлар номенклатурасида қўллаш ва коррозия ингибиторлари учун боғжона экспертизасининг тезкор ва самарадор услубларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сув таъминоти, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати, ёғ ва кимёвий ишлаб чиқаришнинг иккиламчи моддий ресурслари, иккиламчи полиэтилен ва полиэтилентерефталат (ИПЭТФ); кўп мақсадли ва кўп функцияли коррозия ингибиторлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси миллий товар классификатори олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи моддий ресурслар асосида коррозия ингибиторларини синтез қилиш, композициялар тайёрлаш, коррозияга қарши ингибиторлик ва химоя хусусиятларини ўрганиш, кўп мақсадли ва функцияли ингибиторлар олиш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишда кимёвий, ИҚ, спектроскопик, электрон-микроскопик, физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

карбамид (меламин, аммофос) ва ортофосфор кислотасини таъсирида олинган аддукт ноорганик бирикмалар тузлари ва уларнинг иккиламчи маҳсулотлари ҳамда ёғ-мой саноатининг иккиламчи моддий ресурслари билан модификацияланган (ARIN&M-I) олигомер коррозия ингибиторлари ишлаб чиқилган;

ёғ-мой ва кимё ишлаб чиқариш маҳсулотларининг иккиламчи моддий ресурслари ҳамда ди- ва полиаминларни ўзаро таъсирлаштириш (поликонденсация қилиш) билан (ARIN&M- II) олигомер коррозия ингибиторлари олинган;

олигомер бирикмалар таркибига иккиламчи полимерларни (ИХПЭ ёки ИПЭТФ) қиритиш орқали коррозия ингибиторларининг металл юзасига адгезияланиши ва коррозияга қарши фаоллик билан бир қаторда сиртда

кўшимча плёнка хосил бўлишига эришилган ва ижобий натижалар аниқланган;

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН тақомиллаштириш мақсадида коррозия ингибиторларининг кимёвий таркиби хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган янги субпозиция ва подсубпозициялар кодлари ҳамда экспресс усулларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё ва иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиб, кўп мақсадли фосфорли ва имидазолин каторидаги коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш учун чикиндиси, экологик тоза, ресурстежамкор технология ишлаб чиқилган;

фосфорли ва имидазолинли бирикмалар асосида олигомер бирикмалар таркибига иккиламчи полимерлар (ИХПЭ ва ИПЭТФ) ни киритиш билан модификацияланган композициялар тайёрланган ҳамда улар сув таъминотида, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатида кўп функцияли ва турли мақсадли ингибиторлар яратилган;

ТИФ ТН таркибига ўзгартриш киритилди ва янги 3811.23, 3811.24, 3811.25, 3811.26, 3811.27 товар субпозиция ва 3811.27.100.0; 3811.27.200.0; 3811.27.300.0; 3811.27.400.0; 3811.27.500.0 подсубпозиция кодлари ишлаб чиқилган;

коррозия ингибиторларининг сифатини баҳолаш ва тезкор синови ўтказилишини тартибга солишга доир божхона назоратининг техник талаблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий тадқиқот услубларининг тахлили ҳамда фосфорли ва имидазолинли бирикмалар синтези, улар асосида композициялар тайёрлаш, кўп функцияли ингибиторлар ишлаб чиқариш технологияларини саноатга жорий қилиниши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп мақсадли ва кўп функцияли аддукт (ортофосфор кислотаси билан азот сакловчи бирикмалар) асосида ноорганик молибден тузлари сакловчи ва имидазолин бирикмаларини иккиламчи моддий ресурслар ва иккиламчи полимерлар билан модификацияланган коррозия ингибиторлари олинганлиги, шунингдек, кимёвий тузлиши, таркиби, истеъмол хоссалари ҳамда ишлаб чиқаришининг технологик параметрлари асосида ингибиторларни ТИФ ТН бўйича таснифлашнинг илмий-услубий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори самарали кўп мақсадли коррозия ингибиторларининг импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош, ресурстежамкор янги композицияларни олиш технологиясини ва "коррозия ингибиторлари" синфи учун янги маҳсулот субпозиция ва подсубпозиция код рақамларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп мақсадли вазибаларга мўлжалланган самарали олигомер коррозия ингибиторларини технологиясини ишлаб чиқиш ва ташки иктисодий фаолиятнинг товар номенклатурасига мувофиқ уларнинг таснифини тақомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ARIN&M» коррозия ингибиторлари» учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 07507009-04:2020). Натижада, металл конструкциялари ва технологик ускуналари химоя қилишда коррозия ингибиторларини қўллаш ва уларни иссиқлик энергетика саноатидаги кимёвий тозалашда фойдаланиш имконини берган;

«ARIN&M» коррозия ингибиторлари «Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати» қурилмаларини коррозиядан химоялаш жараёнларида жорий қилинган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 63-406-сон маълумотномаси). Натижада технологик ускуналар ва металл конструкцияларнинг эксплуатацион муддати 15-25% га ўзайтириш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНга "коррозия ингибиторлари" учун янги маҳсулот код рақамлари божхона амалиётига жорий этилган (Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 4 мартдаги 1/16-078-сон маълумотномаси). Натижада, коррозия ингибиторларини божхона мақсадлари учун сифатли идентификациялаш имконини берган;

"Божхона назоратининг техник талаблари – синовларнинг экспресс усулларини ўтказиш тартибини регламентацияси ва кимё маҳсулоти – коррозия ингибиторлари сифатини баҳолаш усуллари" божхона амалиётига жорий этилган (Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 4 мартдаги 1/16-078-сон маълумотномаси). Натижада, божхона фаолиятида коррозия ингибиторлар экспертизасини самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий ишнинг натижалари халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий, илмий-техникавий ва илмий-амалий конференцияларда маърузалар билан муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Тадқиқот натижалари бўйича жами 34 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 12 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп қилинган ва 22 та тезис анжуман материалларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузлиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсадлари ва вазибалари, объектлари ва предметлари шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида

фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг илмий аниқлиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги, назарий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги ва синовдан ўтганлиги, эълоб қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар, диссертация тузилмаси ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг «Металларни коррозия ингибиторлари билан химия қилишининг хозирги ҳолати ва устувор йўналишлари: коррозияга қарши материаллар учун хом ашё, уларни олиш технологияси, қўллаш, синфлаш ва идентификация қилиш» деб номланган бобда коррозиядан химоялаш ва кимёвий реагентлар ҳамда иккиламчи хомашё ресурслари асосида коррозия ингибиторларини олишга доир мавжуд усулларнинг хозирги ҳолати ҳамда эксплуатация шартларининг жорий ҳолати ва турли коррозия ингибиторларини қўллаш соҳаси шарҳлари тақдим этилган. Кимёвий бирикмалар ва улар асосидаги маҳсулотларни идентификация қилиш масалаларини хал қилиш борасидаги йўналишлар ва ёндашишлар кўриб чиқилган, шунингдек дастлабки тадқиқотлар натижалари келтирилган ҳамда улар асосида идентификация масаласининг эҳтимолий ечими асосланган.

«Маҳаллий хомашё асосида ва иккиламчи моддий ресурслардан кўп мақсадли вазифаларга мўлжалланган олигомер коррозия ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини ўрганиш» деб номланган иккинчи бобда маҳаллий хомашё ва иккиламчи моддий ресурслар асосида янги ингибиторловчи таркиблари ишлаб чиқишга, шунингдек уларни турли агрессив муҳитларда химия самарадорлигини аниқлаш йўли билан кўп мақсадли вазифаларга мўлжалланган коррозия ингибиторлари сифатида ўрганишга доир тадқиқотлар тақдим этилган. Жумладан, маҳаллий хомашё ва иккиламчи моддий ресурслар асосида кўп мақсадларга мўлжалланган: карбамид (меламин, аммофос) ва ортофосфор кислотасини ўзаро таъсирлаштириш (поликонденсация қилиш) билан олинган ҳамда ҳосил қилинган аддукт ноорганик бирикмалар (тузлар) аралашмаси асосида олинган ARIN&M-1-1 коррози ингибитори ўрганилган. Шунингдек, аддукт ва ноорганик бирикмалар (тузлар) ҳамда иккиламчи полэтилентерефталат ИПЭТФ билан модификацияланган ARIN&M-1-2, аддукт ва тузларнинг иккиламчи маҳсулотлари таъбирида олинган ARIN&M-1-3, аддукт ва госсипол катрони (ГК) асосида олинган ARIN&M-1-4, аддуктнинг госсипол катрони ва ёғ кислоталари дисципляцияси (ЁКД) аралашмаси асосида олинган ARIN&M-1-5, аддукт ва ГК асосида олинган композицияни ИПЭТФ/ИХПЭ билан модификация қилиш орқали ARIN&M-1-6, аддукт ва ГК ва Г- маҳсулот асосида олинган ARIN&M-1-7 самарали олигомер коррозия ингибиторлари олиниши тадқиқ қилинди. Олигомер бирикмалар олинишининг оптимал режимлари (харорат, вақт, моддалар нисбатлари), шунингдек бирикмалар тузилишини аниқлашда ИК спектрал таҳлил усулидан фойдаланилди.

1-жадвал
Турли агрессив муҳитларда ARIN&M-I коррозия ингибиторларининг углеводли пўлатларга нисбатан химия хоссалари

Агрессив муҳит	Синг- мг.л ⁻¹ / масса %	Қуйидаги хароратларда, °С	
		20	40
Нефть/газ конденсати иштирокда 50 мг.л ⁻¹ H ₂ S ни ичига олган тузли модель эритма			60
ARIN&M-1-1			
50 мг.л ⁻¹ H ₂ S (125 мл) + нефтни (125 мл) ичига олган модель сув	50 мг.л ⁻¹	85,8	81,6
	100 мг.л ⁻¹	90,0	86,0
	200 мг.л ⁻¹	93,4	91,8
50 мг.л ⁻¹ H ₂ S (125мл) + газ конденсатини (125мл) ичига олган модель сув	50 мг.л ⁻¹	81,6	78,6
	100 мг.л ⁻¹	85,8	83,0
	200 мг.л ⁻¹	89,1	86,2
ARIN&M-1-2			
50 мг.л ⁻¹ H ₂ S (125 мл) + нефтни (125 мл) ичига олган модель сув	50 мг.л ⁻¹	86,2	86,0
	100 мг.л ⁻¹	90,0	89,6
	200 мг.л ⁻¹	93,9	93,0
50 мг.л ⁻¹ H ₂ S (125мл) + газ конденсатини (125мл) ичига олган модель сув	50 мг.л ⁻¹	82,8	82,6
	100 мг.л ⁻¹	87,0	86,5
	200 мг.л ⁻¹	90,0	88,2
ARIN&M-1-3			
50 мг.л ⁻¹ H ₂ S (125 мл) + нефтни (125 мл) ичига олган модель сув	50 мг.л ⁻¹	85,0	80,2
	100 мг.л ⁻¹	89,0	85,4
	200 мг.л ⁻¹	92,5	91,0
50 мг.л ⁻¹ H ₂ S (125мл) + газ конденсатини (125мл) ичига олган модель сув	50 мг.л ⁻¹	80,0	78,1
	100 мг.л ⁻¹	84,4	82,2
	200 мг.л ⁻¹	87,7	85,0
ARIN&M-1-4			
4 и. HCl/4 и. H ₂ SO ₄	100 мг.л ⁻¹	82,8 / 82,6	82,0 / 81,8
	200 мг.л ⁻¹	86,0 / 85,9	85,8 / 85,0
	300 мг.л ⁻¹	86,0 / 85,8	86,0 / 85,2
	400 мг.л ⁻¹	85,9 / 85,7	85,3 / 85,2
ARIN&M-1-5			
4 и. HCl/4 и. H ₂ SO ₄	100 мг.л ⁻¹	82,0 / 82,0	81,2 / 81,0
	200 мг.л ⁻¹	85,1 / 85,2	84,8 / 84,0
	300 мг.л ⁻¹	85,1 / 85,0	84,3 / 84,2
	400 мг.л ⁻¹	85,0 / 84,7	84,0 / 83,4
ARIN&M-1-6			
4 и. HCl/4 и. H ₂ SO ₄	100 мг.л ⁻¹	83,4 / 83,1	83,0 / 82,7
	200 мг.л ⁻¹	86,5 / 86,4	86,1 / 86,0
	300 мг.л ⁻¹	86,5 / 86,3	86,0 / 86,0
	400 мг.л ⁻¹	86,4 / 86,2	86,1 / 85,7
ARIN&M-1-7			
4 и. HCl/4 и. H ₂ SO ₄	100 мг.л ⁻¹	84,1 / 83,8	83,8 / 82,8
	200 мг.л ⁻¹	87,3 / 87,0	87,0 / 86,1
	300 мг.л ⁻¹	88,0 / 86,8	87,2 / 86,2
	400 мг.л ⁻¹	87,2 / 87,0	87,0 / 86,8

ARIN&M-1-1 – ARIN&M-1-3 синфдаги ингибиторлорчи композицияларнинг химоя қилиш самарадорлигини (1-жадвал) аниқлаш агрессив мухитда олиб борилди. ARIN&M-1-1 ингибиторининг концентрацияси 50 дан 200 мг/л¹ гача бўлганида мазкур мухитда коррозиядан химоя таъсири ошиб боради ва 20-60 °С хароратда 78,0-89,1% га эришилади. Юқори хароратларда химоя таъсирини сақланиши коррозия ингибиторларининг ахамиятли муҳим хоссаи ҳисобланади. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, харорат (20 дан 60 °С гача) кўтарилиши билан химоя таъсири сезиларсиз даражада камаяди, аммо керакли самарадорлиқни намоён қилади.

ARIN&M-1-2 билан ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари шундан далolat берадики, ингибиторнинг концентрацияси 50 дан 200 мг/л¹ гача бўлганида коррозиядан химоя қилиш таъсири 20-60 °С да 84,8-93,9 % ни ташкил этади. Газ конденсати (125 мл) иштирокида H₂S (125мл) сакловчи модель сувда ўрганилганда эса, тадқиқот натижалари ARIN&M-1-2 ингибиторининг концентрацияси 50 дан 200 мг/л¹ гача бўлганида коррозиядан химоя қилиш таъсири 20-60 °С да 81,8-90,0% ни ташкил этишини кўрсатди. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилаётган ARIN&M-1-2 ингибиторида барқарор химоя таъсирининг сақланиши кузатилади ва бу композиция тарқибда иккиламчи полиэтилентерефталат ёки иккиламчи хлорполиэтилен мавжудлиги билан изоҳланади. Улар самарали вақт ва харорат режимида барқарор бўлган кислотавий коррозия ингибиторини олишга ёрдам беради. Бунда уларнинг барқарорлиги кўшимча плёнка ҳосил бўлиши билан изоҳланади.


ARIN&M-1-3 ингибиторининг химоя қилиш хоссалари ва ўрганилаётган эритмаларда тадқиқотлар натижалари шундан далolat берадики, ARIN&M-1-3 ингибиторининг 50 дан 200 мг/л¹ гача концентрациясида коррозиядан химоя таъсири 20-60 °С да 77,8-92,5% ни ташкил этади. Газ конденсати (125 мл) иштирокида H₂S (125мл) сакловчи модель сувда ўрганилганда эса, тадқиқот натижалари ARIN&M-1-3 ингибиторининг концентрацияси 50 дан 200 мг/л¹ гача бўлганида коррозиядан химоя қилиш таъсири 20-60 °С да 76,4-87,7% ни ташкил этишини кўрсатди. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, химоя хоссалари бўйича ARIN&M-1-3 ингибиторининг таъсири ARIN&M-1-1 ингибиторига нисбатан сезиларсиз даражада камроқ бўлади ва бу молибденнинг тоза тузлари ўрнига молибден тузларининг иккиламчи маҳсулотлари қўлланилиши билан изоҳланади.

Таклиф қилинган ARIN&M-1-4 – ARIN&M-1-7 коррозия ингибиторлари (1-жадвал) хлорид ва сульфат кислоталарининг 4 н. эритмаларида 100 мг/л¹ – 400 мг/л¹ концентрацияларда ўрганилган. Мазкур коррозия ингибиторлари металлари коррозиядан химоя қилишининг самарадорлигини намоён қилди ва уларнинг химоя таъсири юқорида кўрсатилган концентрацияларда 40-60 °С хароратда ўрганилганда 81,0-88,0 % ни ташкил этади. Энг юқори химоя хоссалари ARIN&M-1-6 ва ARIN&M-1-7 ингибиторларида кузатилади, бу мазкур ингибиторларни олишда биринчи ҳолатда иккиламчи полимерлар

қўлланилиши ҳамда иккинчи ҳолатда Т-маҳсулоти қўлланилиши билан изоҳланади.

Иккиламчи моддий ресурслар асосида имидазолин катори КИ ни синтез қилиш учун госсипол катрони, ёғ кислоталари дистилляцияси (ЁҚД) ва Т-маҳсулоти асосий объектлар бўлди. Алифатик ёки ароматик карбон кислоталари ва алифатик ди-(ДЭА) ва полиэтиленполиаминлар (ПЭПА) билан ГҚ (ARIN&M-II) ёки Т-маҳсулоти (ARIN&M-II-9) асосида имидазолин катори олигомер бирикмалари синтез қилинди.

Бизнинг фикримизга кўра алифатик катордаги (≥ 50%) карбон кислоталарнинг поликонденсация реакцияларидаги, масалан, ГҚ ни ПЭПА билан реакциясидаги кимёвий жараёнлар компонентларнинг ўзига хос хусусиятлари ва микдорий нисбатини истисно қилган ҳолда ҳамда тарқибий ўрганишлар асосида ГҚ ёғ кислоталари аминамидлари ҳосил бўлиши билан, сўнгра улар тахминан қуйидаги реакция схемасига кўра имидазолинларга халққаланиши мумкин бўлган ҳолда кечадиган реакциялар билан изоҳланади:



Шуниси аёнки, имидазолинларнинг ёки имидазолинлар ва амидлар аралашмасининг ҳосил бўлиши чизикли аминамидларни олиш босқичи орқали содир бўлади. Реакция шартларига боғлиқ равишда биринчи босқичда эхтимол, госсипол катронида ёки унинг ЁҚД ва синтетик ёғ кислоталари (СЁК) билан аралашмасида карбон кислоталарининг аминамид (III) ёки аминамид (IV) ҳосил бўлади, улар сўнгра имидазолинларга (V) ёки имидазолинлар ва уларнинг амидлари (V-VI) аралашмасига циклланишига қодир.

Фаол асоси аминамидлар ва имидазолинларнинг аралашмаларидан иборат бўлган ҳосил қилинган бирикмалар кимёвий модификацияланган иккиламчи полиэтилентерефталат ёки иккиламчи полиэтилен (хлорлаш, аминлаш ва бошқалар) билан модификацияланади. ARIN&M-II ва ARIN&M-II-10 коррозия ингибиторининг химоя хоссалари ўрганилган.

Ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган ARIN&M-II ва ARIN&M-II-1 коррозия ингибиторлари (2-жадвал) нефть ёки газ конденсати иштирокида 50 мг·л⁻¹ H₂S сакловчи тузли модель эритмаларда, шунингдек 4 н. HCl ва сульфат кислоталарининг эритмаларида ингибиторларнинг концентрацияси мос равишда 50 мг·л⁻¹ – 300 мг·л⁻¹ ва 0,2% – 0,5% оралиғида бўлганда ҳар томонлама ўрганилган.

2-жадвал
Тузли агрессив мухитларда Ст.3 русумли пўлатга нисбатан ARIN&M-II коррозия ингибиторларининг химия хоссалари

Агрессив мухит	С _{мин} [*] мг·л ⁻¹ / масса %	Қуйдаги ҳароратларда, °С		
		20	40	60
ARIN&M-II / ARIN&M-II-1				
Нефть/газ конденсатда 50 мг·л ⁻¹ H ₂ S ни ичига олган тузли модель эритма	50 мг·л ⁻¹ H ₂ S (125мл) + нефти (125мл) ичига олган модель сув	91,2 / 92,3	86,8 / -	84,8 / 90,1
		95,6 / 96,8	91,0 / -	88,8 / 95,3
		97,2 / 97,6	94,4 / -	92,0 / 96,0
50 мг·л ⁻¹ H ₂ S (125мл) + газ конденсатини (125мл) ичига олган модель сув	300 мг·л ⁻¹	97,2 / 97,9	94,2 / -	91,6 / 96,0
	50 мг·л ⁻¹	87,2 / 89,4	84,0 / -	82,0 / 87,2
	100 мг·л ⁻¹	91,8 / 92,8	88,8 / -	87,0 / 90,6
	200 мг·л ⁻¹	95,6 / 97,0	92,8 / -	91,2 / 94,7
	300 мг·л ⁻¹	95,8 / 97,1	93,1 / -	91,7 / 94,9
ARIN&M-II				
4 н. HCl/4 н. H ₂ SO ₄	0,2 %	96,5 / 93,5	96,3 / 93,2	96,0 / 93,0
	0,25 %	96,9 / 93,8	96,7 / 93,6	96,3 / 93,2
	0,35 %	97,7 / 94,7	97,5 / 94,1	97,0 / 93,8
	0,4 %	98,5 / -	98,3 / 95,3	97,9 / 95,0
	0,5 %	98,9 / -	98,9 / 95,8	98,5 / 95,3
ARIN&M-II-1				
4 н. HCl/4 н. H ₂ SO ₄	0,2 %	96,8 / 93,7	-	96,4 / 93,2
	0,25 %	97,7 / 94,3	-	97,1 / 92,7
	0,35 %	98,8 / 95,4	-	98,4 / 95,0
	0,4 %	98,9 / -	-	98,6 / -
	0,5 %	99,0 / -	-	98,7 / -

Масалан, нефть ёки газ конденсати иштирокида 50 мг·л⁻¹ H₂S сакловчи тузли модель эритмада ARIN&M-II ва ARIN&M-II-1 коррозия ингибиторлари ўрганилганда натижалар шундан далolat берадики, нефть ичига олган ўрганилаётган мухитда ARIN&M-II ингибиторининг 50 дан 300 мг·л⁻¹ гача бўлган концентрациясида коррозиядан химия таъсири ошади ва 20-60 °С да 84,8-97,2% га эришилади, бунда газ конденсатини ичига олган ўрганилаётган мухит ва ҳароратларда химия таъсири 84,0-95,8% ни ташкил этади. Тадқиқотлар ўрганилаётган мухитда ва режимларда ARIN&M-II-1 коррозия ингибиторларининг химия хоссалари буйича кўрсаткичлари ARIN&M-II ингибиторига нисбатан яхшироқ ва барқарорлигини кўрсатди ҳамда улар нефть ва газ конденсатини ўрганилаётган модель мухитларда тегишлича 90,1-97,9% ва 87,2-97,1% химия хоссаларига эълолиги аниқланди.

ARIN&M-II ва ARIN&M-II-1 коррозия ингибиторларининг химия хоссаларини ўрганиш 4 н. HCl ва 4 н. H₂SO₄ агрессив мухитларида ингибиторларнинг концентрацияси 0,2-0,5% да ва 20-60 °С ҳарорат режимида ўрганилди.

Ўрганилаётган коррозия ингибиторлари химия хоссаларини намoён қилган, масалан ARIN&M-II ингибитори 4 н. HCl да 96,0-98,9%, 4 н. H₂SO₄ да 93,0-95,8%, ARIN&M-II-1 ингибитори эса 4 н. HCl да 96,4-99,0%, 4 н. H₂SO₄ да 92,7-95,4% химия кўрсаткичларига эъа.

ПЭПА нинг иштироки композицияга старлича юкори химия хоссаларини беради, унинг иштироки ПЭПА нинг қутбланган гуруҳлари мавжудлиги ҳисобига коррозияланувчи металл юзаси билан мазкур гуруҳлар донор-акцептор ва водород боғлари туфайли металл адсорбцияланади.

Ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган ARIN&M-II-9 ва ARIN&M-II-10 коррозия ингибиторлари (3-жадвал) 4 н. HCl ва 4 н. H₂SO₄ агрессив мухитларида ингибиторларнинг концентрацияси 50 мг·л⁻¹ – 300 мг·л⁻¹ бўлганда ва 20-80°С ҳарорат режимида ўрганилган.

ARIN&M-II-9 ва ARIN&M-II-10 коррозия ингибиторларининг химия хоссаларини ўрганиш 4 н. HCl ва 4 н. H₂SO₄ агрессив мухитларида, ингибиторлар концентрацияси 0,2-0,5% да, 20-80 °С ҳароратда аниқланган. Ўрганилаётган коррозия ингибиторлари ARIN&M-II-9 ингибитори 4 н. HCl да 94,0-97,2% ва 4 н. H₂SO₄ да 89,5-94,0% ҳамда ARIN&M-II-10 ингибитори эса 4 н. HCl да 96,2-98,8% химия кўрсаткичларига эъа.

3-жадвал
4 н. HCl ва 4 н. H₂SO₄ мухитида Ст.3 русумли пўлатга нисбатан ARIN&M-II-9 коррозия ингибиторининг химия хоссалари

Агрессив мухит	С _{мин} [*] масса %	Қуйдаги ҳароратларда, °С		
		20	40	60
ARIN&M-II-9				
4 н. HCl/ 4 н. H ₂ SO ₄	0,2 %	95,7 / 92,2	95,5 / 91,8	95,1 / 91,0
	0,25 %	95,7 / 92,3	95,4 / 91,8	95,0 / 91,1
	0,35 %	96,5 / 93,5	96,1 / 92,7	95,7 / 91,5
	0,4 %	97,0 / 94,0	96,6 / 93,0	96,0 / 92,1
	0,5 %	97,2 / 94,0	96,9 / 93,1	96,5 / 92,2

Таклиф қилинаётган ARIN&M-II ва ARIN&M-II-1 композицияларида госспол катронини мавжудлиги ҳамда ARIN&M-II-9 ва ARIN&M-II-10 композицияларида Т-маҳсулотини (ВПК) мавжудлиги плёнка шаклинишига ёрдам беради, яъни металл – агрессив мухит чегарасида тўсиқни таъминловчи адсорбцияни ва металл юзасини экранлашни таъминлайди. Композицияларда иккиламчи ва учламчи аминогруҳлари, шунингдек имидазолин гуруҳларининг мавжудлиги ўрганилаётган коррозияли-фаол мухитларда синергетик самара намoён бўлишига олиб келади. ARIN&M-II-1 ва ARIN&M-II-10 да ИПЭТФ ёки ИХПЭ дан фойдаланиш самарали, вақт мобайнида барқарор бўлган кислотали коррозия ингибиторини олишга ёрдам беради, уларнинг барқарорлиги кўшимча плёнка ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларида ARIN&M-II-1,3,5,7,10 ингибиторининг юқори ҳароратларда химоя самараси сақланиши ҳам кузатилади, бу ингибиторларни ишлаб чиқишда самарали, вақт мобайнида барқарор маҳсулот олишига ёрдам берадиган иккиламчи модификацияланган полимерлардан фойдаланиш билан ҳамда уларнинг барқарорлигини кўшимча плёнка ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

Таклиф қилинаётган композициялар юқори самардорлигининг асосий сабаби бу композицияга иккиламчи полимерларни кимёвий ўзгартирувчи маҳсулотларни кўшимча қилиш ва эҳтимол бир нечта ингибиторларни таъсирларни кўшиш ҳисобига коррозияланувчи металл юзасида зич адсорбция қатламни яратилишидир.

Умуман олганда технология жиҳатидан мақбул ва экология жиҳатидан зарарсиз ARIN&M-I ва ARIN&M-II синфидаги коррозия ингибиторлари синтез қилинган ҳамда уларнинг химоя хоссалари ўрганилган ва тадқиқ қилинган.

«Ташқи иқтисодий феолиятни тартибга солишни мақбуллаштириш максалида кимёвий маҳсулот – коррозия ингибиторларини синфлаш ва идентификация қилиш механизмининг такомиллаштириш» деб номланган бобда коррозияга қарши материаллар – коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариётган маҳсулотта талабларни шакллантиришга имкон берувчи техник ва технологик жиҳатдан тартибга солиш нуктаи назардан идентификация қилишга доир миллий ҳамда халқаро тажрибанинг таҳлили ўтказилди ва ЎЗР ТИФ ТН га киритиш учун коррозия ингибиторлари учун янги товар позицияларини ва кодларини ишлаб чиқиш ва синфлаш механизмининг такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритилди.

Якуний товарни олишда қўлланиладиган дастлабки маҳсулотлар ёки реагентлар тўғрисида ахборотнинг етарлича эмаслиги, бунда бирор-бир белгини (масалан, тайёрланадиган материал – тоза кимёвий реагент ёки етарли микдордаги кимёвий реагент ёки бирикмалар бўлган иккиламчи маҳсулот, вазифаси ва қайта ишлаш кўламини) инобатга олмаслик, кўпинча товарларни ТИФ ТН бўйича хато синфлаш учун шароитларни яратади.

Турли хил чиқиндилардан фойдаланиш муаммосини хал қилиш учун нафақат янги технологиялар зарур, балки ишлаб чиқилган маҳсулот турларини идентификация қилиш, синфлаш ва кимёвий назорат қилишни такомиллаштириш ҳам керак бўлади.

38 «Бошқа кимёвий маҳсулотлар» гуруҳини ўрганиш шунини кўрсатадики, ЕОИХ ТИФ ТН бўйича жами 192 та код мавжуд. 3811 «Антидетанаторлар, антиоксидантлар, катрон ҳосил қилувчи ингибиторлар, куюклатиригичлар, коррозияга қарши моддалар ва нефть маҳсулотларига (жумладан бензинга) ёки нефть маҳсулотлари каби айнан шу мақсадларда фойдаланиладиган суоқликларга қўшиладиган бошқа тайёр қўшимчалар» кичик гуруҳи.

Мазкур гуруҳда жами 3 та товар позицияси келтирилган, улар «антидетанатор», «мойловчи моддалар учун присадкалар» ва «бошқалар» бўлиб, «антидетанаторлар» товар позицияси эса жами 2 кодни, яъни:

- 381111 – кўргошин бирикмалари асосида ва 381119 – бошқалар;

«мойловчи моддалар учун присадкалар» эса 3 кодни, яъни: -381121 – битумланган жинслардан олинган, таркибида нефть ёки нефть маҳсулотлари бўлган ва 381129 ҳамда 381190 – «бошқалар» гуруҳларини ўз ичига олган.

38 «Бошқа кимёвий маҳсулотлар» товар гуруҳидаги 3811 товар позициясида келтирилган барча кимёвий маҳсулотлар коррозияга қарши моддалар моҳиятини очиб бермайди. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, турли иккиламчи моддий ресурслар асосидаги кимёвий маҳсулотларни синфлаш масалалари очиб берилмаган ҳолатда қолмоқда.

Ўтказилган тадқиқотларда ARIN&M синфидаги ишлаб чиқилган коррозия ингибиторларини ЎР ТИФ ТН бўйича идентификация қилиш ва умуман ТИФ ТН бўйича коррозия ингибиторларини синфлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш масалалари ўрганилган.

38 ПРОЧИЕ ХИМИЧЕСКИЕ ПРОДУКТЫ



Масалан, ЎР ТИФ ТН га, масалан 38 «Бошқа кимёвий маҳсулотлар» гуруҳи изоҳига мувофиқ 3811 «... коррозияга қарши моддалар ...» кичик гуруҳида «коррозия ингибиторлари» синф сифатида мавжуд эмас ва мазкур маҳсулот тури бўйича, гарчанд турли вазифаларга мўлжалланган 20 000 га яқин коррозия ингибиторлари ишлаб чиқилган бўлса-да, аниқ ахборот олишни қийинлаштиради.


Бирок, ўз коди ва товар номига эга бўлган «коррозия ингибиторлари» атамаси юқларнинг уйғунлаштирилган номенклатурасида мавжудлигини кузатиш мумкин бўлиб, улар ТИФ ТН билан мос келмайди.

Шундай қилиб, коррозия ингибиторларининг бир хил бўлмаган синфланиши ҳолларини баргараф қилиш учун «коррозия ингибитор» атамасини кўриб чиқиш ва ТИФ ТН бўйича алоҳида товар позицияси ва коди билан ажратиб кўрсатиш, идентификация ўтказишда эса маҳаллий ҳомашё асосида олинадиган, бирламчи, иккиламчи кимёвий реагентлар ва ишлаб

ускуналарини химоя қилиш учун уларни технологик қўлланилиши келтирилган.

Олинган маълумотлар асосида турли мақсадларга мўлжалланган ARIN&M-I ва ARIN&M-II коррозия ингибиторларини олишга доир даврий жараённинг принципиал технологик схемаси таклиф этилди.

Технологик жараён хомашёни юклаш, ўзаро таъсир маҳсулотларини олиш ва тайёр маҳсулотларни тушириш босқичларидан иборат. ARIN&M-I ва ARIN&M-II коррозия ингибитори олинишига боғлиқ ҳолда хомашё товар сигимларидан HD-1, HD-2 ва HD-3, HD-4 насослари билан E-1, E-2 ва E-3, E-4 қабул қилиш-сарфлаш сигимларига юкланади ва сўнгра хомашёнинг ҳисобланган юкланадиган миқдорини олигомер бирикмаларини синтез қилиш учун реакторга йўналтирилади. Технологик жараён якунлангандан сўнг, HD-5, HD-6 насослар орқали тушириб, керакли сигимлар ёки автошестерналарга юкланади.



Ҳосил қилинган турли мақсадларга мўлжалланган ARIN&M металл коррозия ингибиторлари Тошкент, Фарғона ва Навоий ИЭС буг қозонларининг буғлатиш қувурлари намуналарида чўқинди қатламлардан кимёвий тозалашда иссиқлик энергетика ускуналарини (ИЭУ) химоя қилиш учун ўрганилган.

Умуман олганда таклиф қилинаётган ARIN&M синфидаги кўп функцияли коррозия ингибиторлари плёнка ҳосил қилиш, туз тўпланиши олдини олиш ва кўпик ҳосил қилиш функцияларини бажаради. Тажриба маълумотлари иссиқлик энергетика мажмуаси ишлаб чиқариш объектларининг технологик ускуналарини кислотали тозалашни ўтказиш технологияларини танлашда қўлланилиши мумкин.

ARIN&M ингибиторлари композицияларни уларнинг химоя қилиш қобилиятини баҳолаш учун нисбий намлик ва ҳаво ҳароратининг юқори қийматларида, шунингдек тузли туман атмосферада жадаллаштирилган синовлар ўтказилган. 0,5 M NaCl эритмасида Сt3 русумли пўлат намунасида ARIN&M ингибиторлари композициялар гравиметрик тадқиқотларининг натижалари олинган бўлиб, улар ингибиторлари композицияларининг юқори химоя самардорлигини кўрсатади. Гравиметрик тадқиқотларда турли синфдаги ARIN&M KI нинг мақбул концентрацияси 5-10 масса % ни ташкил этади, бунда химоя самардорлиги $\geq 50\%$ га ошади. Таркибида 3 масса % микдорда ИПЭТФ/ИХПЭ ни ичига олган талқик қилинаётган ARIN&M-II ингибитори 76,7% химоя самардорлигини намён қилади, айни вақтда ARIN&M-I ва ARIN&M-II эса ингибиторнинг тегишли микдорда 56,6 ва 61,8% химоя самардорлиги кўрсаткичларига эга бўлади.

Термонамлик камерасида ўтказилган жадаллаштирилган коррозия синовларида Сt3 русумли пўлатнинг ARIN&M-II KI химоя самардорлиги ARIN&M-I га нисбатан бир оз юқорроқ бўлади ва 5-7 масса % концентрацияларида ARIN&M-II KI да, яъни ИПЭТФ билан модификацияланган ингибиторда $Z=98\%$ гача бўлган юқори химоя самардорлиги кузатилади.

Турли модификациядаги ARIN&M коррозия ингибиторлари химоя хусусиятлари ва таъсир механизмлари туфайли кучли химоя қоплами ҳосил бўлишига ҳисса қўшади ва металл юзасини смирлишини олдини олиш ҳисобига технологик ускуналар ва конструкцияларнинг хизмат муддатини 15-25% га узайтиради.

ХУЛОСА

1. Маҳаллий хомашё қарбамид (меламин, аммофос) ва ортофосфор кислотаси асосида олинган, кейинчалик ҳосил бўлган аддуктни аниорганик бирикмалар (тузлар) ва уларнинг иккиламчи маҳсулотлари, шунингдек ёғ-мой ҳамда кимё чиқаришнинг иккиламчи моддий ресурслари билан модификацияланган ARIN&M-I синфидаги технологик жиҳатдан мақбул ва экологик тоза коррозия ингибиторлари ишлаб чиқилди.

2. Ёғ-мой ва кимё чиқариш маҳсулотларининг иккиламчи моддий ресурслари ҳамда ди- ва полиаминларни ўзаро таъсирлаштириш (поликонденсация) асосида олинган ARIN&M-II синфидаги олигомер коррозия ингибиторлари ишлаб чиқилди.

3. Турли мақсадларга мўлжалланган ва кўп функцияли коррозия ингибиторларининг вақт давомида самардорлиги ва барқарорлигини ошириш учун плёнка ҳосил қилувчи компонент сифатида тузилмасида қўлланган гуруҳларни ичига олган, металлларга юқори адгезияни таъминлашга имкон берадиган иккиламчи термопластлардан (ИХПЭ ёки ИПЭТФ) кўшимча равишда фойдаланилди.

4. Кимёвий маҳсулотлар – коррозия ингибиторларининг сифатини баҳолаш ва тезкор синови ўтказилишини тартибга солишга доир божхона назоратининг техник талаблари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

5. Коррозия ингибиторларининг турли хиллигини ҳисобга олган ҳолда республика ТИФ ТН нинг 38 товар гуруҳлари таркибидаги 3811 товар позициясига ўзгартириш киритиш ва ушбу товар позициясини коррозия ингибиторларининг қимбўй табиатига қараб янги товар субпозиция ва подсубпозиция кодларини киритиш тавсия этилди.

6. Маҳаллий хомашё ва иккиламчи моддий ресурслар асосида олинган кўп мақсадларга мўлжалланган ва кўп функцияли ARIN&M синфдаги олигомер коррозия ингибиторларини кўллаш учун норматив-техник ҳужжатлар (ташқилот стандарти, технологик регламентлар) ишлаб чиқилди ва технологик жараён таклиф қилинди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕННЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

СОДИКОВА МУНИРА РУСТАМБЕКОВНА

РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ
ОЛИГОМЕРНЫХ ИНГИБИТОРОВ КОРРОЗИИ НА ОСНОВЕ
МЕСТНОГО СЫРЬЯ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ

02.00.14 – Технология органических веществ и материалов на их основе;
02.00.09 – Химия товаров

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент -2021

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 17 января 2018 года № ПП-3479 «О мерах по устойчивому обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», от 4 октября 2019 года № ПП-4477 «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «Зеленую» экономику на период 2019-2030 годов» и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VII – «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Наиболее весомый вклад в теорию и практику проведения углубленных исследований в области разработки и производства органических ингибиторов коррозии нового поколения и их ингибиторной защиты внесли такие ученые как, И.Л.Розенфельд, С.М.Решетников, М.Н.Фокин, Е.С.Иванов, А.И.Алибева, С.А.Балезин, С.З.Левин, Д.Л.Рахманкулов, Э.М.Гутман, Л.И.Антропов, В.И.Левашов, П.С.Белов, В.И.Фролов, С.Ф.Гараев, А.Б.Кучкаров, Ф.К.Курбанов, К.Ахмеров, А.Б.Аловитдинов, А.Т.Джалилов, Э.Фатхуллаев, Д.Ю.Юсупов, С.М.Турабжанов, Г.Рахмонбердиев, А.Икрамов, Б.Н.Хамидов, В.П.Гуро, Х.И.Акбаров, А.Ж.Холиков, Х.Э.Кодиров, С.Ф.Фозилов и другие.

Исследования по проблемам технического регулирования (идентификации и классификации) товаров в соответствии с ТН ВЭД привлекают таких ученых, как Н.Н.Алексеев, Е.И.Андреева, А.В.Журов, Г.Г.Азгальдов, Э.П.Райхман, И.А.Косорук, Н.М.Муратова, М.Л.Рахманов, И.Р.Аскар, Г.Хамракулов, К.М.Каримкулов, Л.Т.Пулатова, Д.А.Рахимов, А.М.Жураева, О.Ш.Хакимова, Д.Т.Хасанова, Б.Ё.Абдуганиев, Н.К.Тулаков, Ш.М.Киргизов, Н.Х.Тухтабоев, О.Ж.Абдурахмонов, М.М.Хожиматов, М.Г.Хамракулов и др.

Вопрос идентификации продукции рассматривается учеными с нескольких, тесно связанных точек зрения, а именно с точки зрения химии товаров, таможенного права и технического регулирования.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование проводилось в рамках развития научно-исследовательских работ и проектов ФОО Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии по гранту А12-005 «Создание и применение новых эффективных ингибиторов коррозии из местного сырья».

